2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 240 (496), 2021 йил 29 ноябрь, душанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ АШХОБОД САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн бешинчи саммитида иштирок этди.

Саммитни мезбон давлат — Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов очди. Тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Покистон Ислом Республикаси Президенти Ориф Алвий, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, шунингдек, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ҳусрав Нозирий ҳам иштирок этди.

Ташкилот доирасида кўп томонлама шерикликни янада кенгайтириш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни савдо, транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқлик, саноат кооперацияси, “яшил энергетика” ва туризм соҳаларида ривожлантириш масалалари йиғилишнинг асосий мавзулари бўлди.

Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида халқаро ва минтақавий вазиятга, давом этаётган пандемия шароитидаги иқтисодий қийинчиликларга эътибор қаратиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қатор аниқ таклифларни илгари сурди. Хусусан, савдо, инвестиция, транспорт, “яшил иқтисодиёт”, туризм соҳаларига доир муҳим фикрлар билдирилди.

Саммит якунида Ҳаракатлар учун Ашхобод консенсуси имзоланди. Ушбу ҳужжат аъзо мамлакатларнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги муҳим устувор интилишларини ўзида мужассам этди.

2022 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига раислик Ўзбекистон Республикасига ўтгани саммитнинг муҳим натижаларидан бири бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу муносабат билан билдирилган самимий тилаклар учун халқаро форум доирасида қатор давлатлар раҳбарлари билан учрашувлар ҳам ўтказди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан суҳбат аввалида Шавкат Мирзиёев биродар туркман халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам — Бетарафлик куни билан самимий қутлади.

Икки томонлама яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ЎН БЕШИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Гурбангули Мяликгулиевич!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Авваламбор, гўзал Ашхобод шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотимиз кунида Сизлар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман.

Қадрли биродарим Гурбангули Мяликгулиевич Бердимуҳамедовга бугунги анжуманни юксак савияда ташкил этгани ва самимий меҳмондўстлиги учун билдирилган миннатдорчилик сўзларига қўшиламан.

Туркманистоннинг Ташкилотга самарали раислиги ва кўп томонлама амалий алоқаларни кенгайтиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Жумладан, жорий йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан шериклик тўғрисида қабул қилинган Резолюцияси бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Тарихи, дини, урф-одат ва анъаналари яқин бўлган биродар халқларимиз азал-азалдан савдо-сотиқ алоқалари ва маданий ришталар билан чамбарчас боғланган.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ўтган давр мобайнида давлатларимиз умумий манфаатларини ифода этадиган, улкан иқтисодий салоҳиятга эга йирик минтақавий тузилмага айланди.

Бугун ҳурматли ҳамкасбларим билдирган барча фикр-мулоҳазалар Ташкилотимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва аҳамияти ошиб бораётганини, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлашга қаратилган интилишларимиз яқдил эканини тасдиқламоқда.

Ўз навбатида, биз Ташкилотимиз доирасида кенг қамровли алоқаларни янада ривожлантириш тарафдоримиз ҳамда бўлажак раислик вазифасини самарали амалга ошириш ниятидамиз.

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Бугунги кунда барчамиз глобал ва минтақавий вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Давом этаётган пандемия таъсирида жаҳон иқтисодиёти ривожида қандай тенденциялар кузатилади, халқаро ҳамжамият яна қандай янги хавф-хатарларга дуч келади, деган саволларга ҳамон аниқ жавоб йўқ.

Бундай ўзгарувчан шароитда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича умумий саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи йўналиш — 500 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган, улкан бозорга эга бўлган мамлакатларимизнинг савдо ва инвестиция соҳаларидаги катта имкониятларидан тўлиқ фойдаланишимиз зарур.

Қабул қилинган “Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти истиқболлари — 2025” дастури асосида мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестиция алоқаларини янада кенгайтириш ва энг муҳими, амалий натижадорликка эришиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун Ташкилотимиз доирасида янгиланган ва кенг қамровли Савдо битимини ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг фурсати келди, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур ҳужжатда савдо тўсиқларини бартараф этиш, божхона тартибларини рақамлаштириш ҳамда ҳозирги вақтда долзарблиги тобора ошаётган электрон савдони кенг татбиқ этиш масалалари ўз ифодасини топиши зарур.

Шунингдек, мамлакатларимизда ўзаро сармоялар оқимини кўпайтириш ва уларни ишончли ҳимоя қилиш, саноат кооперациясини кучайтиришга қаратилган Қўшма ҳаракатлар дастурини қабул қилиш — бугунги кун талабидир.

Шу билан бирга, ўзаро савдо ҳажмларини ошириш, минтақавий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жаҳон бозорида умумий рақобатбардошлигимизни кучайтиришимиз лозим.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ЎН БЕШИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти ЮНИДО ва Марказий Осиё иқтисодиёти учун СПЕКА Махсус дастури билан ҳамкорликда Ташкилотимиз доирасида Савдо, инвестициялар ва инновациялар марказини ташкил этиш ҳамда унинг қароргоҳини Тошкент шаҳрида жойлаштиришни таклиф қиламиз.

Иккинчи йўналиш — минтақамиздаги мавжуд ва янги транспорт йўлакларидан унумли фойдаланиш.

Бу борада минтақалараро транзит хабларини ташкил этиш, замонавий транспорт ва йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш ҳамда қўшимча чегирмаларни тақдим этиш, халқаро юк ва йўловчи ташиш шартларини енгиллаштириш, транспорт соҳасини рақамлаштириш масалаларига аниқ ечимлар топишимиз зарур.

Бу режаларни рўёбга чиқариш учун мамлакатларимизнинг транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ва транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган Минтақавий стратегияни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчи йўналиш — “яшил тараққиёт”га эришиш учун амалий саъй-ҳаракатларимизни сафарбар этишимиз даркор.

Экологик муаммолар ва иқлим ўзгариши кескин тус олаётган ҳозирги даврда давлатларимизда тўпланган ва хорижий илғор тажрибадан самарали фойдаланиш, “яшил иқтисодиёт”ни биргаликда фаол ривожлантириш, саноат тармоқларига ресурстежамкор технологияларни кенг татбиқ этиш, углерод нейтраллигига эришиш кун тартибидаги энг долзарб вазифалардан биридир.

Бунинг учун халқаро эколог олимлар ва экспертлар иштирокида юқори даражадаги доимий Мулоқот кенгашини тузишни таклиф этамиз.

Тўртинчи йўналиш — сайёҳлик алмашувларини қайта тиклаш масаласидир.

Бухоро шаҳрида 2022 йили бўлиб ўтадиган туризм вазирларининг навбатдаги учрашувида пандемиядан кейинги даврда Хавфсиз сайёҳликни ривожлантириш умумминтақавий Дастурини қабул қилиш ташаббусини билдирмоқчиман.

Шу асосда “зиёрат туризми” ва бошқа қўшма сайёҳлик маҳсулотларини ишлаб чиқиш, авиақатновлар географиясини кенгайтириш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилган бўлар эди.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Ташкилотимиз аъзоси бўлган Афғонистондаги бугунги мураккаб вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ушбу мамлакат кун сайин оғир гуманитар инқирозга кириб бормоқда.

Халқаро ҳамжамият, жумладан, яқин қўшнилар ёрдамисиз афғон халқи якка ҳолда бу қийин синовлардан ўта олмайди.

Шу боис, афғон халқига зарур ёрдам кўрсатиш бўйича саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш ва умумий ёндашувларни ишлаб чиқишимиз керак.

Шунингдек, Афғонистон билан минтақавий аҳамиятга эга бўлган йирик савдо, транспорт ва энергетика лойиҳаларини амалга ошириш ишларини изчил давом эттириш тарафдоримиз.

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ташкилотимизнинг халқаро нуфузи ва обрўсини ошириш, бошқа минтақавий ташкилотлардан фарқ қиладиган ва ўзига хос кун тартибига эга бўлиш, етакчи халқаро тузилмалар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорлигимизнинг институционал механизмларини ривожлантиришни ҳозирги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар тайёрлаш учун юқори даражадаги Экспертлар гуруҳини тузиш ташаббусини илгари сурамиз.

Шу билан бирга, ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишлари ва долзарб вазифалардан келиб чиқиб, ҳар йилга ном бериш анъанасини жорий этиш, ўйлайманки, ўринли бўлар эди.

Биз Ўзбекистон Ташкилотга раислик қиладиган даврда мамлакатларимизда Ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилишни таклиф этамиз.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Биз бугунги тадбиримизнинг якуний ҳужжати — Ҳаракатлар учун Ашхобод консенсуси қабул қилинишини ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ташкилотимиз янги Бош котиби Ҳусрав Нозирий жанобларини масъулиятли фаолияти бошланиши муносабати билан самимий табриклаб, келгуси ишларида ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Сўзимнинг якунида умумий интилиш ва ҳаракатларимиз натижасида Ташкилотимиз доирасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни яқин истиқболда сифат жиҳатидан янги поғонага кўтара олишимизга ишонаман.

Барчангизни катта мамнуният билан навбатдаги саммитимизда иштирок этиш учун Ўзбекистон заминига таклиф этаман.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ АШХОБОД САММИТИ

Бошланиши 1-бетда

Жорий йил октябрь ойида олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро кун тартиби ва кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон Президенти Туркманистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотидаги сермаҳсул раислигини юксак баҳолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Президенти Ориф Алвий билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Покистон кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Шериклик алоқалари, энг аввало, иқтисодиёт йўналишида жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Минтақа кун тартибидаги долзарб масалалар, шу жумладан, Афғонистонда вужудга келаётган вазият муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан ҳам учрашув ўтказди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқдилар. Кенг кўламли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳим экани таъкидланди.

Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм ва бошқа устувор соҳаларда истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Муҳим маданий-гуманитар алмашинув дастурлари қайд этилди.

Етакчилар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий билан учрашувида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама савдо ҳажмининг ортишига кўмаклашиш, саноатда янги кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, икки мамлакат транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш мақсадида ҳамкорликнинг институционал механизмларини фаоллаштириш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Эрон етакчилари Афғонистондаги бугунги вазиятдан келиб чиқиб, минтақа кун тартиби ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги яқин мулоқотни давом эттириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистонга амалий ташрифи якунланди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА БОЛАЛАРГА НОГИРОНЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларни ортиқча оворагарчилик ва бюрократик тўсиқларсиз тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт тарзини юритиш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва салоҳиятини рўёбга чиқариш имкониятларини кенгайтириш, уларни реабилитация қилишга тўғри йўналтириш ҳамда тегишли чора-тадбирлар билан қамраб олиш кўламини янада кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6195-сон Фармонига мувофиқ Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимига ўтказилганлиги ҳамда унга **фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва ногиронликни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш вазифаси** юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштиришнинг **асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин**:

фуқароларга ногиронликни белгилашда **коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш**, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;

ногиронликни белгилашда фуқароларнинг ортиқча оворагарчиликларини бартараф этиш, соҳада мавжуд **бюрократик тўсиқ ва ғовларни бекор қилиш**;

маълумотлар электрон базасини шакллантириш орқали фуқароларга замон талабларига жавоб берадиган самарали **хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш**.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2021 йил 1 декабрдан бошлаб:**

шахс соғлиғининг ҳолатига кўра Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига (кейинги ўринларда — тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси) бориш имконига эга бўлмаган ҳолатда ногиронликни белгилаш бириктирилган ҳудудларга чиқиб кўчма мажлисларда, шахснинг **уйида ёки даволанишда бўлган стационарда ҳамда сиртдан кўрикдан** ўтказиш орқали ташкил этилади;

ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, **тасдиқланган касалликлар рўйхати** асосида **фуқаронинг иштирокисиз** улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда ногиронлик **муддатсиз даврга** белгиланади;

тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ногиронлик **тўғрисидаги маълумотномаларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишлаши мумкин бўлган касблар бўйича тавсиялар** берилади.

б) **2022 йил 1 августдан бошлаб дастлаб Тошкент шаҳрида** ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида **ҳисобга олиш ва кўрикдан ўтказишнинг янги “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизими** (кейинги ўринларда — **ахборот тизими**) жорий этилади.

Бунда, фуқароларга ногиронликни белгилаш учун асос ҳисобланадиган (тиббий йўлланма, касаллик тарихи ва амбулатор картадан кўчирмалар ва бошқа) маълумотлар **ахборот тизимига электрон тарзда киритилиши таъминланади**;

в) **2023 йил 1 январдан бошлаб ахборот тизими** республиканинг бошқа барча ҳудудларида тўлиқ жорий этилади.

Бунда:

ногиронликни белгилашда даволаш-профилактика муассасаларининг йўлланмалари, касаллик тарихидан кўчирмалар, амбулатор карта, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳамда меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолдаги бахтсиз ҳодиса ёки соғлиқнинг бошқача тарзда шикастланганлиги тўғрисидаги **ҳужжатлар тўлиқ ахборот тизими орқали қабул қилинади**;

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳамда меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолдаги бахтсиз ҳодиса ёки соғлиқнинг бошқача тарзда шикастланганлиги тўғрисидаги **маълумотлар “Ягона меҳнат миллий тизими” идоралараро дастурий-аппарати ҳамда ахборот тизими орасида маълумот алмашинуви асосида олинади**;

ахборот тизимидаги фуқарога тегишли маълумотлардан келиб чиқиб, организмнинг функцияси бузилиши ва ҳаёт фаолияти чегараланишини ҳисобга олган ҳолда **ногиронликни фуқароларнинг иштирокисиз белгилаш тартиби жорий этилади**;

ногиронлиги бўлган шахсга тааллуқли бўлган маълумотлар, даволовчи ҳамда тиббий **хулоса берган шифокорлар тўғрисидаги маълумотлар** ахборот тизимида қайд этиб борилади;

ногиронлик белгиланган шахсларга пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун электрон маълумотлар “Пенсия” ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимларига автоматик тарзда юборилади.

4. Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг **педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари** (кейинги ўринларда — педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари) ташкил этилсин ва шу муносабат билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг шифокорлари зиммасига **18 ёшгача бўлган болаларга ногиронликни белгилаш** бўйича юклатилган қўшимча функциялар бекор қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

18 ёшгача бўлган болаларни ногиронлиги бўлган бола деб топиш **педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари** томонидан амалга оширилади;

18 ёшдан катта фуқароларни ногиронлиги бўлган шахс деб топиш **тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари** томонидан амалга оширилади;

педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган доимий фаолият кўрсатувчи тузилма ҳисобланади.

6. **Қуйидагилар**:

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида **иккитадан педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари**;

Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида **биттадан педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари**;

Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм ва Наманган вилоятларида **қўшимча равишда биттадан туманлараро тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари**;

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясида 3 нафар штат бирлигидан иборат **информацион технологияларни жорий этиш бўлими** ташкил этилсин.

Бунда, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ-6221-сон Фармонига мувофиқ ажратилган штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади.

7. **Педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари**нинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

18 ёшгача бўлган болаларни **тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш** ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари билан биргаликда ногиронликни белгилаш соҳасида давлат дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

18 ёшгача бўлган болаларни ногиронликка олиб келувчи омилларни ўрганиш ҳамда **соғлиғи ёмонлашувининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш**;

ногиронлиги бўлган болаларни **реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини ишлаб чиқиш** ва амалга ошириш соҳасини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

соҳанинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва **малакасини оширишнинг илғор усулларини** тизимли асосда жорий этишда қатнашиш.

8. Ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва кўрикдан ўтказишнинг электрон ахборот тизимини яратиш ва кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) билан биргаликда:

бир ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 18 ёшгача бўлган болаларга ногиронликни белгилаш масалалари учун масъул тиббиёт муассасаларидаги ногиронликка оид тиббий хулосани бериш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар белгиланган тартибда хатловдан ўтказилишини ва тегишли **педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари**га топширилишини таъминласин;

икки ой муддатда давлат тиббиёт муассасаси томонидан фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизага юбориш тартибини назарда тутувчи врачлик-маслаҳат комиссияси тўғрисида низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб тиббий-ижтимоий экспертиза, реабилитология, тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация мутахассисларини тайёрлашдаги **магистратура, клиник ординатура, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастурларини халқаро таълим стандартлари асосида такомиллаштириш** чораларини кўрсин;

ҳар беш йилда камида бир марта тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати тизимининг тиббиёт ходимлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида мутахассислиги ва тиббий-ижтимоий экспертиза бўйича **малака ошириши ҳамда бирламчи ихтисослаштириш курсларидан бепул ўтишини таъминласин**.

10. Мазкур қарор қабул қилингунга қадар берилган ногиронлик тўғрисидаги эски намунадаги маълумотномалар ҳамда расмийлаштирилган эски намунадаги ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурлари навбатдаги қайта кўрик ўтказилгунга қадар ёки реабилитация тадбирларини амалга ошириш (агар ногиронлик муддатсиз белгиланган бўлса) тугагунгача ҳақиқий ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

11. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил 1 июнга қадар** БМТнинг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг техник кўмагини жалб қилган ҳолда **ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш** бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Бунда, халқаро тажрибани ўрганган ҳолда **Соғлиғи ва ҳаёт фаолиятининг (функцияларининг) чекланиши халқаро классификацияси** асосида фуқароларга ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига ўтиш Концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилади.

12. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг асосларилантирилган таклифларига мувофиқ ушбу қарорда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга ва тиббий-ижтимоий экспертиза хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, янги ташкил этилаётган педиатрия ва туманлараро тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларини транспорт воситалари билан таъминлаш, шунингдек, ахборот тизимини яратиш, кадрлар тайёрлаш учун зарур бўлган маблағларни 2021 йилда Давлат бюджети параметрларида соғлиқни сақлаш соҳаси учун назарда тутилган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида ажратилишини ҳамда 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

13. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков):

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда:

уч ой муддатда Давлат бюджети параметрлари доирасида тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолиятини такомиллаштиришга ажратилган маблағлар ҳисобига **18 ёшгача бўлган болаларнинг ногиронлиги ва ундан катта ёшдаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон маълумотларини ўзида жамлайдиган электрон маълумотлар базасини** такомиллаштирсин;

2022 йил 1 августга қадар илғор чет эл тажрибасини ўрганган ҳолда, фуқароларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида **ҳисобга олиш ва кўрикдан ўтказишнинг янги электрон ахборот тизимини ишлаб чиқсин**;

ногиронлик белгиланган шахсларнинг ногиронлик муддати тугаётганлиги ҳамда қайта кўрикка келиши тўғрисида қисқа хабарни беғараз тарзда уларнинг мобиль алоқа воситаларига **бир ой олдин** юбориш механизмини ташкил этсин.

Бунда, вазирлик ва идораларга ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар **“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон тарзда юборилади**;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) билан биргаликда **бир ой муддатда** ҳудудий тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг **бинолари ва хоналари ҳамда жиҳозлар учун минимал талабларни ишлаб чиқсин** ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига етказилишини таъминласин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) **2022 йил 1 августдан** Тошкент шаҳар ҳамда **2023 йилдан бошлаб** республиканинг барча ҳудудларидаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан йўлланмаларни, касаллик тарихидан кўчирмаларни, амбулатор карталарни, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳамда касб касаллигини белгилаш учун асос бўладиган махсус ваколат берилган соғлиқни сақлаш муассасаси хулосасидан кўчирмаларни **ахборот тизимига электрон тарзда киритиб боришни таъминласин.**

Белгилансинки, ногиронликни белгилаш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар **даволаш-профилактика муассасаларининг IT оператор-ҳамшираси томонидан шахсий идентификацион логин ва пароллар асосида ахборот тизимига киритиб борилади**.

15. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолиятини тартибга солувчи Ҳукумат қарорини тасдиқласин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **икки ой муддатда** барча ҳудудий тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларини белгиланган талабларга жавоб берадиган, ижтимоий муҳофазага муҳтож **фуқаролар ташрифи учун қулай бўлган бинолар ва хоналарда беғараз асосда жойлаштириш чораларини кўрсин**.

17. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситалари ва бошқа ахборот ресурслари орқали кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори **А.К. Инаков** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири **А.Н. Арипов** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **2022 йил 1 июлга** қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 27 ноябрь

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси



Бундан 29 йил аввал қабул қилинган Конституциямиз давлатимизнинг асосий қонуни бўлиб, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ўзбекистон мустақил давлат, деб эълон қилинган кундан бошлаб Конституциямиз лойиҳаси устида тинимсиз иш олиб борилди.

Уни тайёрлашда уч манбага таянилди. **Биринчиси — кўп асрлик бой миллий ҳуқуқий мерос.** Айнан шунинг учун ҳам Конституциямизда, энг аввало, ўзбек миллатининг тарихий анъаналари, қадриятлари ўз аксини топган. Айтиш жоизки, Конституциямиз фақат юридик ҳужжатгина эмас, миллий мафкурамизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий асосини ташкил этувчи умуминсоний ғояларга хизмат қиладиган муҳим асосдир.

Иккинчи манба — инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини тўла топган. Хусусан, Асосий қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мазмунини бевосита очиб берувчи 34 та модда мавжуд. Уларнинг муқаддимасидан тортиб якунловчи қоидаларига қадар инсон, унинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик ғоялари сингдирилган.

Бош қомусимизда қонуний мустаҳкамлаб қўйилган яна бир муҳим масала фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини самарали муҳофаза этишдир. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий заминини яратиш манфаатларидан келиб чиқиб Конституция хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг давлат томонидан ҳимояланишини ҳамда ҳар кимнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Учинчи манба — хорижий конституциявий тажриба. Ўзбекистон Конституцияси ривожланган давлатларнинг тарихий тажрибасини ўрганган ҳолда яратилган. Конституция муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат бўлиб, у ўз ички тузилиши билан жаҳон конституциявий амалиётига тўла мос келади.

2014 йилда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги қонун қабул қилинган. Конституциянинг 32-моддасига киритилган қўшимча — **“давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш”** бугун халқаро жамоатчилик тан олган **“Буюк ўзбек йўли”**нинг ўзига хос жиҳатларидан бири эканини

Мустабид тузум даврида давлат манфаатлари шахс манфаатларидан устун экани қатъий белгилаб қўйилган эди. Ушбу масала Ўзбекистон Конституциясида адолатли ҳал этилган. Яъни шахс манфаатлари устунлиги уни “олий қадрият” деб эътироф этиш нуқтаи назаридан баён этилган. Бош қомусимизнинг 19-моддасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган.

Конституциямизнинг иккинчи бўлими бевосита фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган бўлиб, унда инсоннинг шахсий ҳуқуқларидан тортиб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларигача ўз аксини топган. Масалан, яшаш ҳуқуқини олайлик. Конституциянинг 24-моддасида: **“Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”,** деб белгиланган. Бош қонунимизнинг 31-моддасида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиб, унда ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгалиги белгиланган.

Фуқароларга берилган ижтимоий ҳуқуқлар ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Айниқса, **“Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”,** деган қоида билан аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаат ва ҳуқуқлари кафолатланган.

расидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан кенгаш раиси томонидан прокуратура органларига тақдимнома киритиш ваколати берилди. Юртимизда илк бор судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти йўлга қўйилди.

Бош қонунимизга 2021 йил 8 февралда киритилган ўзгартишлар суд тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлишига барҳам бериш ҳамда уларнинг муаммосини бир жойда ҳал қилиш учун ҳуқуқий замин яратди. Бунда судлар тузилмаси замон талабларига мос равишда такомиллаштирилди. Вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида вилоят даражасидаги судлар ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилди. Суд қарорларини қайта кўриб чиқувчи инстанциялар сони 3 тага қисқартирилди, **“бир суд – бир инстанция” тамойили** жорий қилинди. Халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган ҳамда суд ҳокимиятига хос бўлмаган назорат инстанцияси бекор бўлди.

Суд ишларини юритишда янги институтлар киритилди, мавжудлари такомиллаштирилди. Жумладан, жиноят процессида жиноят иши бўйича дастлабки эшитув, фуқаролик ва иқтисодий судларда — судгача мажлис, соддалаштирилган тартибда иш юритиш, медиация институтлари жорий қилинди.

Жиноят ишлари бўйича суриштирув ва тергов ўтказилиши, суд муҳокамасида иш юритишни соддалаштириш мақсадида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти киритилди.

Фуқароларнинг жиноят процессига ортиқча жалб қилинишини камайтириш, мураккаб бўлмаган ишлар бўйича иш юритишни қисқартириш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судларга мураккаб ишларга кўпроқ эътибор ва вақт ажратиб, уларнинг ҳар томонлама кўриб чиқилишига имконият яратиш мақсадида айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институти киритилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқишда ярашув институти фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса маиший низолар туфайли юзага келган келишмовчиликларни миллий урф-одатларимизга хос тарзда ўзаро ярашиш орқали ҳал этиш учун имкон яратади.

Юртимиз сиёсий ҳаётида яқинда ўтказилган Президент сайлови ва унинг натижалари бўйича сайланган Президентнинг инаугурацияси ҳам айнан Конституциямиз талаби асосида амалга оширилди.

Президентимиз лавозимга киришиш тантанали маросимидаги нутқида жамиятимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ кўплаб муҳим ташаббус ва ғояларни илгари сурди. Хусусан, давлатимиз раҳбари конституциявий ислоҳотни таклиф этди. Бу эзгу ғояларни рўёбга чиқариш учун парламент вакиллари, кенг жамоатчилик, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласи олдимизда турибди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиз давлатимиз мустақиллигининг рамзи бўлиб, унда истиқлол ва тараққиёт йўлимиз акс этади. У халқ хоҳиш-иродасини ифода этувчи демократик давлат, фуқаролик жамияти ва эркин ҳаёт қуриш ҳамда уни ривожлантиришнинг истиқболларини белгилайди.

НУҚТАИ НАЗАР

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТИ ҲАМИША УСТУВОР

Дониёр ТЎРАЕВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори ўринбосари

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасидаги фаолиятнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019 йилда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди.

“БМТ Бола ҳуқуқлари қўмитасининг 14-умумий шарҳида боланинг энг яхши манфаатлари концепциясини тўлиқ амалга ошириш учун барча манфаатдор томонларни жалб қилган ҳолда инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувни ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бунда боланинг жисмоний, психологик, ахлоқий, маънавий яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, шунингдек, боланинг инсоний қадр-қиммати ҳурмат қилиниши асосий мақсад сифатида белгиланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси тасдиқланди. Унда болалар ҳимоясига бағишланган устувор йўналишлар ва болалар манфаатларини биринчи навбатда таъминлаш принципини қонунчилик ва амалиётга янада самарали жорий этиш ҳамда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини такомиллаштириш белгиланди.

2020 йилда “Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ, бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб давлат органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлилиги, ваколатли органлар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал этишда унинг фикрини, ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши белгиланди.

Айтиш керакки, “боланинг энг яхши манфаатлари” принципи миллий қонунчиликка “болалар манфаатларини биринчи навбатда таъминлаш” ёки “боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиқиб” сўзлари орқали ифода этилган. Ушбу принципни “болалар манфаати учун энг маъқул йўлни танлаш” тамойили десак, адашмаган бўламиз.

Яқинда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институти ҳуқуқий мақомини ва мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва у жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди. Ишонамизки, болалар омбудсманининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи мазкур қонун Ўзбекистонда “болалар манфаати учун энг маъқул йўлни танлаш” принципини рўёбга чиқаришга ва болалар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантиришга хизмат кўрсатувчи самарали парламент институти юзага келишига асос бўлади.

“Боланинг энг яхши манфаатлари” принципи биз учун қанчалик муҳим? Агар ҳаётимиздаги айрим муаммоларни таҳлил қилсак, бу саволнинг жавоби ойдинлашади. Масалан, оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ танқидий чиқишларнинг аксариятида амалдаги қонунлар нафақат фуқаролар, балки мансабдор шахслар томонидан ҳам бузилаётгани кўзга ташланади. Айрим ҳолларда масъул идоралар томонидан қабул қилинаётган қарорларда бола манфаатлари тегишли даражада инобатга олинмайди. Бундай ҳолатлар жамиятда болалар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш маданиятини юксалтириш вазифасининг долзарблигидан далолат беради.

Шу боис, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида болалар манфаатларини биринчи навбатда таъминлаш принципини қонунчилик ва амалиётга янада самарали жорий этиш белгиланган. Бу принципни ҳар бир фуқаро тўғри тушуниши ва, аввало, ваколатли давлат органлари, қарор қабул қилишга масъуллар буни билиши ва ўз ишида тўғри қўллаши талаб этилади.

“Боланинг энг яхши манфаатлари” принципи деганда нима тушунилади? Мазкур принцип ғоя ва тавсия сифатида 1924 йилги Бола ҳуқуқлари бўйича Женева декларациясида, 1959 йилги Бола ҳуқуқлари бўйича декларацияда ўз аксини топган бўлса-да, мажбурий принцип сифатида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда намоён бўлган. Бола ҳуқуқларини талқин қилишда ишлатиладиган асосий фундаментал тўртта принципнинг (камситилмаслик, боланинг энг яхши манфаатлари, боланинг яшаш ҳуқуқи ва унинг ривожланиши, боланинг эркин ўз фикрини билдириши) бири ҳисобланади.

Конвенциянинг 3-моддаси 1-бандида “болаларга нисбатан амалга ошириладиган барча ҳаракатларда, улар давлат ёки хусусий ижтимоий ҳимоя муассасалари, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан амалга оширилишидан қатъи назар, боланинг энг яхши манфаатлари биринчи навбатда эътиборга олинади”, деб белгиланган. Мазкур принцип бола ҳуқуқларини таъминлаш учун ҳар бир индивидуал ҳолатдан келиб чиқиб уни баҳолаш ва бола манфаати учун энг мақбул йўлни танлаш зарурлигини талаб этади.

“Боланинг энг яхши манфаатлари” принципини таъминлашда нафақат ҳуқуқ, балки ижтимоий сиёсат, тиббиёт, психология ва социология каби бир қатор йўналишлардан фойдаланилади. Бу принцип нафақат соғлиқни сақлаш, таълим, болалар билан боғлиқ суд жараёнлари каби, бошқа кўплаб ижтимоий соҳаларда тўғри қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга.

БМТ Бола ҳуқуқлари қўмитасининг 14-умумий шарҳида боланинг энг яхши манфаатлари концепциясини тўлиқ амалга ошириш учун барча манфаатдор томонларни жалб қилган ҳолда инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувни ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бунда боланинг жисмоний, психологик, ахлоқий, маънавий яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, шунингдек, боланинг инсоний қадр-қиммати ҳурмат қилиниши асосий мақсад сифатида белгиланади.

Қўмитанинг фикрича, боланинг энг яхши манфаатлари концепцияси учта тушунча сифатида намоён бўлади.

Биринчиси, моддий ҳуқуқ. Бу бола ҳуқуқи сифатида кўриб чиқилаётган масала бўйича қарор қабул қилиш учун турли манфаатларни ҳисобга олишда боланинг энг яхши манфаатлари биринчи навбатда эътиборга олиниши ва баҳоланишини талаб этади. Бу ҳуқуқ болага, болалар гуруҳига ёки умуман болаларга нисбатан қарор қабул қилишнинг барча ҳолатларида қўлланилиши лозим. Конвенциянинг 3-моддаси 1-банди давлатларнинг инкор этиб бўлмайдиган мажбуриятини белгилайди ҳамда тўғридан-тўғри қўлланилувчи норма ҳисобланади ва судларда унга ҳавола қилиниши мумкин.

Иккинчиси, ҳуқуқларни талқин қилишда ишлатилувчи асосий ҳуқуқий принцип. Бу принцип агар юридик ҳолатнинг турли талқинлари мавжуд бўлса, унда боланинг энг яхши манфаатларига мос келувчи талқинга асосланиш лозимлигини англатади.

Учинчиси, процедура қоидаси. Бола ёки тегишли болалар гуруҳига ёки умуман болаларга таъсир қилувчи қарор қабул қилишда ушбу жараён мазкур бола ёки тегишли болаларга қандай таъсир (ижобий ёки салбий) кўрсатиши мумкинлигини баҳолашни англатади.

Баҳолашда боланинг энг яхши манфаатларини барча тегишли элементларининг умумий баҳоланиши, ҳар бирининг бошқаларга нисбатан аҳамияти инобатга олиниши лозим. Боланинг энг яхши манфаатини аниқлаш ва баҳолаш учун процессуал кафолатларни яратиш талаб этилади.

БМТ Бола ҳуқуқлари қўмитасининг 14-умумий шарҳида конвенциянинг 3-моддаси 1-банди бўйича давлатнинг уч турдаги мажбуриятлари келтирилган:

— давлат муассасаси томонидан амалга ошириладиган ҳар бир ҳаракатда, айниқса, болаларга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган амалга ошириладиган барча чора-тадбирларда, маъмурий ва суд жараёнларида боланинг энг яхши манфаатлари принципи *тегишли тарзда ҳисобга олиниши ва изчил қўлланилишини* таъминлаш мажбурияти;

— болаларга тааллуқли барча суд ва маъмурий қарорларда, шунингдек, сиёсат ва қонунчиликда боланинг энг яхши манфаатлари биринчи навбатда эътиборга олинганлигини кўрсатиш мажбурияти. Бунга энг яхши манфаатлар қандай ўрганилганлиги ва баҳоланганлиги ва қарорда уларга қандай аҳамият берилганлигини кўрсатиш киради;

— болага тааллуқли ёки уларга таъсир қилувчи қарорлар қабул қиладиган хусусий сектор, шу жумладан, хизмат кўрсатувчи ёки ҳар қандай бошқа хусусий ташкилот ёки муассаса томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва ҳаракатларда боланинг энг яхши манфаатлари баҳоланишини ва биринчи навбатда эътиборга олинишини таъминлаш мажбурияти.

БМТ Бола ҳуқуқлари қўмитаси шарҳига кўра, “Болаларга таъсир қилувчи ҳар қандай қонун ёки қарорларни, шунингдек, икки томонлама ёки кўп томонлама савдо ёки тинчлик шартномалари каби битимларни қабул қилишда боланинг энг яхши манфаатларига асосланиш керак. Боланинг энг яхши манфаатлари баҳоланиши ва биринчи навбатда эътиборга олиниши ҳуқуқи нафақат болаларга тегишли бўлган қонунларда, балки барча тегишли қонунларда аниқ белгиланиши лозим. Бу мажбурият, шунингдек, бюджетларни тасдиқлаш соҳасига ҳам тааллуқлидир, уларни тайёрлаш ва такомиллаштиришда боланинг энг яхши манфаатлари ёндашувини қўллаган ҳолда бола ҳуқуқларини ҳисобга олишга эришилади”.

Қўмита шарҳига қўшимча равишда айтиш мумкинки, қонун чиқарувчи орган бола ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиришда ва уни амалга оширишда фаол роль ўйнаши муҳимдир. Парламент давлатнинг бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро мажбуриятлари самарали бажарилишини таъминлашда тегишли ваколатларга эга. Хусусан, парламент томонидан боланинг энг яхши манфаатлари принципи қонунларни қабул қилишда, уларни такомиллаштиришда ва ижроси бўйича парламент назоратини амалга оширишда қўлланилиши болалар ҳуқуқлари самарали таъминланишининг кафолатидир. Парламент болалар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Шу ўринда миллий қонунчилик ва амалиётимизда ушбу принцип тўғри имплементация қилиниши учун қуйидагилар таклиф этилади.

Биринчидан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда болаларга нисбатан амалга ошириладиган барча ҳаракатларда боланинг энг яхши манфаатлари биринчи навбатда эътиборга олинишини белгилаш лозим. Яъни мазкур принцип қонуннинг асосий принциплари сифатида кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, боланинг энг яхши манфаатларини баҳолаш ва таъминлаш бўйича турли соҳаларда (қонун ижодкорлиги, фуқаролик, оилавий ва жиноий процессларда, шаҳарсозлик фаолиятида) қўлланма ишлаб чиқиб, уни норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилиш лозим. Мазкур ташаббус принципни нафақат қонун ижодкорлигида, балки барча ваколатли органлар томонидан турли соҳаларда тўғри қўллашга ёрдам беради.

Учинчидан, қонунчиликни, жумладан, Оила кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодексини боланинг энг яхши манфаатлари принципидан келиб чиқиб такомиллаштириш зарур.

Тўртинчидан, ушбу принципни кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини кучайтириш таклиф этилади.

Зеро, фарзандларимизнинг соғлом ва бахтли болалигини, фаровон келажагини ўйлар эканмиз, мазкур принципнинг амалда ишлашини таъминлашга эътиборни кучайтиришимиз лозим.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



БАНДЛИК

ТИЗИМЛИ ИШЛАР АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Мавлудахон ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири — аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашдир. Шу боис, амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар янги иш ўринлари яратиш орқали бандликни таъминлашга қаратилган. Зеро, одамлар ишли бўлса, аҳоли жон бошига даромад кўпайса, ҳаётда катта мақсадлар билан яшайди, оиласида тинчлик, ишида унум бўлади.

Сўнгги йилларда Президентимизнинг бандлик ва меҳнат муносабатларига оид 12 та фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларга оид 40 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди. Халқаро меҳнат ташкилотининг 4 та Конвенцияси ва 1 та баённомаси ратификация қилинди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, иш берувчилар ва банд бўлмаган ишсиз фуқаролар учун шароитлар яратиш мақсадида 2020 йил 20 октябрда “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Жорий йил октябрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси уч ўқишда қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони асосида ҳар йили “Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси”ни қабул қилиш механизми йўлга қўйилиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида ҳар йили 300-400 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил этилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида юртимизда жами 338,2 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу соҳа прогноз кўрсаткичлари 124 фоизга бажарилганини англатади. Янги рўйхатдан ўтган қарийб 60 мингта кичик корхона ва микрофирмаларда жами 123,9 мингта янги иш ўрни ташкил этилгани эса кўплаб инсонларнинг оғирини енгил қилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ҳар бир соҳа ва йўналиш, ҳар бир фуқаро тақдири доимий эътиборда. Оилаларнинг ижтимоий ҳолати хонадонма-хонадон ўрганилиб, ёрдамга муҳтож бўлган фуқаролар махсус дафтарларга киритилган ҳолда, улар билан алоҳида ишлаш тизими йўлга қўйилгани катта самара бермоқда.

Айниқса, камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда “Ишга марҳамат” мономаркази ташкил этилиб, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” бўйича маҳаллабай ва фуқаробай ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Биламизки, ўқув жараёнларини амалиёт билан боғлаган ҳолда ташкил этиш кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиради. Бу борада ёшлар ва хотин-қизларда замонавий касб ва тадбиркорлик кўникмалари шакллантирилиб, касбга ўқитиш тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфида 30 та касб-ҳунарга ўқитиш маркази, 136 та касб-ҳунарга ўқитиш маскани, 16 та “Ишга марҳамат” мономаркази фаолияти йўлга қўйилиб, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 71 турдаги касблар, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тиллар бўйича ўқитиш тизими жорий этилди.

Агар рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2017-2021 йиллар мобайнида жами 195 минг ишсиз фуқаро, айниқса, ёшлар ва аёллар касб-ҳунарга, тадбиркорлик кўникмаларига ва хорижий тилларга ўқитилди. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ўқув харажатлари ва стипендия маблағлари учун 134,6 миллиард сўм молиялаштирилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида эса Меҳнат бозоридаги вазиятдан келиб чиқиб, туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан иш билан банд бўлмаган 727,7 минг шахсга бандлик хизматлари кўрсатилган. Уларнинг каттагина қисми — 301,4 минг нафарини ёшлар ташкил этиши мутасаддилар эндигина меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларга яхшигина кўмакдош бўлаётганини кўрсатади.

Оқилона чора-тадбирлар глобал инқироз таъсирини юмшатди

2020 йил бутун дунё аҳли қатори, халқимиз учун ҳам оғир келди. Пандемия туфайли кўплаб давлатларда озиқ-овқат танқислиги пайдо бўлди. Аҳолининг аксарият қатлами ишсиз, даромадсиз қолди. Кўплаб корхоналар фаолиятида танаффуслар юзага келди. Нохуш вазият аҳоли бандлигига кўмаклашиш ҳамда ташқи

чегаралар ёпилиши муносабати билан хорижга ишлаш учун кета олмаган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмас зарурий чоралар кўришни тақозо этди. Шундай оғир кунларда Президентимиз ташаббуси билан юзага келган глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилалар ва тадбиркорлик субъектларини манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар кўрилди.

Жумладан, Хитой тажрибаси асосида бугунги кунда республика бўйича 8,6 минг гектар ер майдонида ташкил этилган 471 та кооперативга 22,9 минг ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оила аъзолари бириктирилди. Уларга кооперативларнинг устав фондига аъзолик улуши сифатида 50,7 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилди.

Ишсиз аҳолининг катта қисмида шахсий томорқа ерлари мавжуд. Фақатгина улардан даромад олиш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун маблағ етарли эмасди. Шахсий томорқаларни ривожлантириш учун 35,6 минг кам таъминланган, айниқса, “Темир дафтар”га киритилган оилаларга енгил типдаги иссиқхона қуриш, шахсий ва дала томорқасида экишга уруғлар ва кўчатлар ҳамда суғориш воситаларини ҳарид қилиш учун 109,5 миллиард сўм субсидия ажратилгани энг оқилона ечим бўлди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига фуқаролар турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида эътибор қаратилиб, бу борада барча зарур шарт-шароит яратилаётир. Бу эса, ўз навбатида, ҳали-ҳануз давом этаётган пандемия шароитида ҳам мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ва ижтимоий дастурлар барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини, ижтимоий сиёсат самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, янги Ўзбекистонда ёшларни, хусусан, хотин-қизларни тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш, меҳнат қилиб, яхши ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратиб берилади. Зотан, мамлакатимиз мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада оширишни мақсад қилган. 2030 йилга бориб, Ўзбекистон жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бунга эса, аввало, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан эришиш мумкин.

Чунончи, давлатимиз раҳбари жорий йил Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш устувор вазифаларимиздан бири эканини айтиб, янада юқори ўсиш суръатларига эришиш учун, аввало, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб, инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш чоралари амалга оширилишини билдирган эди.

Бу борада бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетнинг имкониятларини кенгайтиришга биринчи даражали эътибор қаратилиши, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошлаган ислоҳотлар қатъий давом эттирилиши энг тўғри ва ниҳоятда оқилона қарордир.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ҳунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш кўзда тутилаётгани келгусида янги Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаро доимий иш жойига, даромад манбаига эга бўлади, деганидир. Чунки тайинли иш жойи, даромад манбаи бор инсонларнинг оиласи мустаҳкам бўлади, келажакка умид билан яшайди.

Хориждаги ватандошларимизга муносабат ўзгарди

Илгари кўпчилик ёшларимиз, ҳаттоки, хотин-қизларимиз ҳам ишлайман, яхши пул топиб уй-жой, тўй қиламан, замонавий машина оламан, дея хорижга кетарди. Лекин у ерда кўплаб қийинчиликларга дуч келар, оғир кунларни бошдан кечирарди. Энг ёмони, оғир меҳнат қилиб, пешона тери билан пул топган кўплаб ёшларимиз ишлаган маошларини ололмай сарсон-саргардон юрарди.

2016 йилдан бошлаб эса Ўзбекистонда вазият тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ бу масалани ўз назоратига олиб, ташқи меҳнат миграцияси соҳасини янги босқичга кўтариш, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оилаларига жорий қилинган имтиёз ва кафолатлар кўламини кенгайтириш, хориждаги меҳнат мигрантларини ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берди.

Хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шароитларини яхшилашга эътибор кучайиб, уларни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида жамғарма ташкил этилди ва унга 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шу билан бирга, ташқи меҳнат миграция масалалари бўйича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Хорижий давлатлар стандартларига тўлиқ мос тушадиган Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Ишга марҳамат” мономарказида жаҳонда тан олинган “World Skills International” халқаро ассоциацияси тавсиялари асосида ўқиш ташкил этилди. Жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси “World Skills International” халқаро ассоциациясига аъзо бўлди ҳамда дунё ҳамжамияти тан олган касбга оид сертификатлар бериш бошланди.

Аҳамиятлиси, мамлакатимизда ташқи миграция масалаларига эътибор янада кучайтирилиб, бу борада мигрантларнинг келажакдаги ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун хорижда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат стажи ҳисобга олиниб, ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ва меҳнат стажини ҳисоблаш тизими татбиқ этилмоқда.

Меҳнат мигрантларига йўл ҳақи, патент ва суғурта харажатлари учун 10 миллион сўмгача паст ставкада кредитлар ажратилган ҳолда, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини тўлақонли таъминлаш учун онлайн платформа ва “Call-марказ” ташкил этилиб, малакали адвокатлар хизмати йўлга қўйилди.

Шунинг баробарида меҳнат мигрантларига кўп квартирали уйлардан хонадонлар ажратиш, 2 миллион сўмгача микроқарз бериш, улар ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш бўйича суғурта мукофоти суммасини қоплаш учун субсидия тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилди. Чет давлатларда мураккаб молиявий аҳволга тушган фуқароларга тўланадиган бир марталик моддий ёрдам миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробаридан икки баробаригача кўпайтирилди.

Мухтасар айтганда, меҳнат муносабатлари ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш борасида юртимизда катта ишлар амалга оширилмоқда ва унинг натижасини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти мисолида ҳис қилиб турибди. Президентимиз илгари сурган Янги Ўзбекистон стратегиясида мазкур соҳадаги ишлар янги босқичга кўтарилишига аминмиз. Шу жиҳатдан, унда белгиланган ўта муҳим вазифалар ижросини таъминлашда биз ҳам масъулиятни теран ҳис қилган ҳолда, ўз билим ва салоҳиятимизни сафарбар этамиз.

ЭКОЛОГИЯ

БИОПАРЧАЛАНУВЧАН ПОЛИМЕРЛАР БУГУНГИ КУН ЗАРУРАТИ

Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Озиқ-овқат дўконларида бежирим қадоқланган маҳсулотлар кўзимизни қувнатади. Тайёр таом ва салатларни харид қилганимизда ҳам бир марта ишлатиладиган пластик идишлар асқатади. Аммо уларнинг ўз вазифасини ўтагандан кейинги тақдири ҳақида кўп ҳам ўйлаб кўрмаймиз.

Кундалик ҳаётимизда кенг қўлланиладиган турли синтетик материаллар, айниқса, пластмассалар бирмунча қулайлик билан бирга, утилизация қилиш муаммосини ҳам келтириб чиқарди. Бундай қадоқ идишлар эстетик кўриниши, таннархининг арзонлиги ва қулайлиги билан харидорларни жалб этади. Дунё бўйича полимерларнинг 40 фоизи қадоқ материаллар, 30 фоизи плёнкалар тайёрлашда, 22 фоизи турли конструкцион ва пардозловчи материаллар олишда, 5 фоиз мебель саноатида, 3 фоиз автомобилсозликда қўлланилиб келинмоқда. Рақамлардан кўришимиз мумкинки, қадоқлаш мақсадида ишлатиладиган идишларнинг катта қисми кўплаб чиқинди ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Таҳлиллар жараёнида аниқланишича, охирги 20 йилда ривожланган мамлакатлар саноатида пластмасса буюмлардан фойдаланиш икки баробар ошиб, киши бошига бир йилга 80-90 килограммдан тўғри келмоқда. Бундай маҳсулотларнинг 150 дан ортиқ тури мавжуд экан.

Нефть ва газни қайта ишлаш ва улар асосида полиэтилен, полипропилен каби синтетик полимерлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Бу каби маҳсулотлар табиий шароитда парчаланиши учун узоқ вақт талаб қилади ва ўз навбатида, катта экологик муаммога сабаб бўлади.

Республика Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти докторанти Ислом Турдиқулов парчаланмайдиган қадоқлаш воситаларидан воз кечиб, улар ўрнига таркибида биопарчаланувчи полимерлар мавжуд бўлган воситалардан фойдаланишни таклиф қилмоқда. Лойиҳанинг экологик аҳамиятига кўра, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан зарур маблағ ажратилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Ўлкамизнинг табиий шароитидан келиб чиқиб, полиэтиленнинг қуёш нури таъсирида парчаланишини тезлаштирувчи қўшимчалар қўшиш орқали янги маҳсулот яратиш бугунги кун учун долзарб ҳисобланади.

— Полимерлар кимёси ва физикаси институтида лаборатория шароитида маҳаллий хомашёлар асосида полиэтиленни деструкцияга учратувчи қўшимча синтез

қилиниб, зарур маҳсулот олинган, — дейди Ислом Турдиқулов. — Олинган композициялардан плёнка намуналари яратилиб, биопарчаланувчанлик хусусиятлари ўрганилди. “Жиззахпластмасса” АЖда илк намуналарнинг тажриба-саноат партияси яратилиб, унинг токсик хусусиятлари мавжуд эмаслиги, чиригандан сўнг тупроқ инфраструктурасига салбий таъсир қилмаслиги аниқланган. Биологик парчаланадиган полимер материаллар ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлосланишни минималлаштиради. Аҳамиятли томони шундаки, маҳсулот сақлаш ва ишлатиш жараёнида ўзгармайди, чиқинди ҳолатига ўтгач эса, тупроқ микроорганизмлари, ёруғлик, ҳаво, сув ва бошқа омиллар таъсирида қисқа вақт ичида парчаланади. Лойиҳамиз асосида яратилган плёнка ва бошқа пластмасса асосли идишлар табиий шароитда 4 ойда 80 фоизгача парчаланади. Тошкент Тиббиёт академиясининг олий таълим муассасаларидаро лабораторияси ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий текшириш институтида маҳсулотнинг инсон саломатлигига, тупроқ инфраструктурасига зарарли таъсири мавжуд эмаслиги бўйича хулосалар олинган.

Аксарият полимерлар ва пластмассаларни ишлаб чиқаришда асосий хомашё бу — нефть. Аммо нефть нафақат бензин, мазут ва бошқа турдаги ёқилғи, шунингдек, кенг кўламли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кимё саноати учун муҳим асос ҳисобланади. Англаш мумкинки, мазкур жараёнларда қайта тикланмайдиган нефть захираларининг катта қисми сарфланади. Бундан ташқари, ушбу маҳсулотлар биологик парчаланиш хусусиятига эга эмаслиги сабаб, қиммат ва утилизация қилиш қийин. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида бир йилда бир киши ўртача 35-40 килограмм плёнка ва бир марталик қадоқлаш воситаларидан фойдаланар экан. Бу, ўз навбатида, чиқинди уюмлари “бўйини ўстиради”. Қолаверса, иссиқхоналарда қўлланилиб бўлган плёнкалар ташлаб ёки ёқиб юборилиши атмосферага катта зарар келтиради. Ислом Турдиқулов таклиф этаётган биологик парчаланадиган гранулаларни ишлаб чиқариш маҳаллий ва экспортга йўналтирилган янги маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш баробарида табиатга зарарини ҳам камайтиради.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил сиёсат амалга оширилмоқда. 2019 йил 1 январдан бошлаб полимер плёнкали пакетларни бепул бериш, Республика ҳудудида қалинлиги 40 микрондан кам бўлган полимер плёнкали пакетларни ишлаб чиқариш тақиқланди.

— Полимер маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг биопарчаланувчи гранулаларни импорт ҳисобига олиб келиши маҳсулот таннархининг қимматлашиб кетишига сабаб бўлади, — дейди И. Турдиқулов. — Агар асосий таркибий қисмлари маҳаллий хомашё бўлса, нарх арзонлашади. Биологик парчаланадиган полимерлар бозорини ривожлантириш ҳам инсоният учун, ҳам табиат учун катта фойда келтиради.

Уйда, ишхонада, кўчада бир марталик пластик идишлардан кўп фойдаланамиз. Уларни белгиланмаган жойларга ташлашимиз катта муаммоларга сабаб бўлмоқда. Бундай буюмлар сув оқимлари, шамол таъсирида катта майдонларга сочилиб кетяпти. Ана шундай майдонлардан бири 1990 йиллар охирида Тинч океанининг шимолий қисмида ҳосил бўлган ва унинг майдони 500 минг квадрат километрдан 1,5 миллион квадрат километргача чўзилган. Албатта, бу чиқиндиларнинг бизга тўғридан-тўғри таъсири бўлмаслиги мумкин, аммо дунёнинг умумий экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, глобал иқлим ўзгариши, дунё океанлари сувининг совиши ёки илиши ўлкамизга ҳам таъсир қилмай қолмайди. Пластик чиқиндилар юртимизнинг ички сув ҳавзаларини ҳам ифлослантирмоқда. Улардан тарқаладиган зарарли моддалар сув жониворлари, масалан, балиқ организмига, ундан сўнг эса ўша жонивор орқали инсон организмига ҳам тушади. Уйлаб қарасак, табиатга етказадиган зарар эртами-кечми, ўзимизга қайтади.

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ

ИЛМНИ ҚАДРЛАБ, ИЛМГА ИНТИЛИБ...

Ойбек ЗОКИРОВ,
Наманган Президент мактаби ижрочи директори в.б.

Яратувчилик ва бунёдкорлик ҳукм сураётган Ватанда яшаяпмиз, ўқияпмиз, ишлаяпмиз. Уйғоқ ва курашчан авлод билангина кўзланган ёруғ манзилларга етамиз. Президентимиз жорий йил 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек, "Азму шижоатли ёшларимиз билан биргаликда янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз".

Ёшлар — мамлакатнинг эртанги тараққиётига пойдевор қўйишга қодир куч. Кўзлаган марраларимиз юксакдан-юксак, олға ташлаётган қадамларимиз шахдамдан-шахдам, орзу-умидларимиз ушалиши барқарору бардавом.

Ренессанс пойдеворини қўйишга қатиқ бел боғлаган Ўзбекистон ёшлари сафида наманганликларнинг ўзига хос ўрни бор. Давлатимиз раҳбари тантанали форумда илмсевар йигит-қизларнинг эришаётган ютуқлари қаторида Наманган Президент мактаби ўқувчиси, бир йўла 5 та хорижий олийгоҳга грант асосида муддатидан олдин қабул қилинган Робияхон Набижонованинг номини зўр мамнуният билан тилга олганида қалбим ғурурга тўлган эди. Президентимизнинг, "Мен ҳар гал сизлар билан учрашганимда "Илмни қадрланг, илмга интилинг!" деган сўзларни такрорлашдан асло чарчамайман", деган даъвати ўқувчи-ёшларга ўзига хос мотивация беради.

Куни кеча "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендияси учун синовлар натижаси эълон қилинди. Қувонарлиси, жамғарма стипендиатлигига сазовор йигит-қизлар қаторида Наманган Президент мактабининг икки битирувчи ўқувчиси борлиги бизни яна фахрлантириб юборди. Муҳаммадали Алиматов АҚШда, Саидбек Муродхўжаев Буюк Британияда таҳсил олиш имкониятини қўлга киритди. Бу янги 2021-2022 ўқув йилидаги илк муваффақиятимиз. Ҳали шу каби ютуқларимиз кўпайганидан кўпайиб бораверади. Чунки педагогик жамоамиз чуқур билимга ва юқори малакага эга маҳаллий ва хорижий мутахассислардан иборат. Улар юксак марраларни кўзлаган, ўқувчилари билимга чанқоқ, интилувчан ва изланувчан болалардир.

10 сентябрь куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президент ва ижод мактаблари ҳамда ихтисослашган мактабларда таълим-тарбия сифатини оширишга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Айниқса, Президент мактабларига инвестицион ва инновацион йўналишларни жорий қилиш бўйича янги тизим ташкил этилишини эшитиб, ўқитувчи ва ўқувчиларимиз улкан режалар тузишга астойдил киришди. Уларнинг қувончли натижалар беришига ишончимиз комил. Боиси, тегишли идораларнинг хориждан ўқув дастурлари, адабиётлар ва жиҳозлар келтиришга, малакали педагоглар молиявий грантлар жалб қилишга кўмаклашиши белгилаб қўйилди.

Мактабда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун барча шароит муҳайё. Ҳар жиҳатдан пухта лойиҳа асосида қурилган биноларимиз ёруғ ва шинам. Ўқув лаборатория ва компьютер хоналари юксак талабларга тўла жавоб берадиган тарзда жиҳозланган. Билим беришнинг техник воситалари, адабиётлар ва мультимедиа маҳсулотлари таъминоти тўкис. Педагогик жамоамиз ғамхўрликларга яраша фаол ишлаб, таълим-тарбияда юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш мақсадида тинимсиз саъй-ҳаракатда. Ҳар бир боланинг билим салоҳиятини лаёқатига яраша ривожлантириш доимий диққат марказимизда турибди.

2020-2021 ўқув йилида мактабимизда 142 нафар бола таълим олди, уларнинг аксарияти ўзларининг билимдонлигини тезда намоён этди. Пандемия шароитида онлайн ва офлайн тарзда ўтказилган SASMO, OTEC, AMO, VANDA, HKIMO халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз муносиб ўринларни эгаллади. Аниқроғи, 4 нафари 1-ўрин, 4 нафари 2-ўрин, 7 нафари 3-ўрин билан олтин, кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлди.

Илғор давлатларнинг таълим тизимидаги самарадор усуллардан ижодий фойдаланмоқдамиз. Ўқувчиларнинг фанлар бўйича юкламаларини оптималлаштириш орқали уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи юқорилашига етарли имконият туғдирилмоқда. Бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган фанлар ўзаро интеграллаштирилган ҳолда ўқитилмоқда. 6-11-синфларда умумтаълим мактабларида 44 турдаги фандан сабоқ берилса, Президент мактабидаги машғулотлар 35 турга келтирилган ҳолда йўлга қўйилган.

Бугунги ёшлар кечаги ёшлар эмас. Улар янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини яратувчиларнинг ўртасида чет тили билимдонлари сафи йилдан-йилга кенгаяётгани шундан далолат. Масалан, Довудхон Абдубоқиев, Диломхон Ҳошимжонова, Саидбек Муродхўжаев, Дониёр Эркинов IELTS сертификати соҳибига айланишга улгурди. Издошлари ҳам талайгина.

Кўплаб ўқувчиларимиз Буюк Британиянинг Кембриж университети уюштирган семинар-тренингларда фаол қатнашди. Шунингдек, ўқувчиларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини очиб бериш мақсадида синфдан ташқари фан, спорт, санъат, шеърият йўналишларидаги машғулотларни такомиллаштиряпмиз. Хорижий мамлакатлардан таклиф этилган ўқитувчилар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганмиз. "Касбий ривожлантириш" дастурига кўра, уларнинг тажрибаси ўрганилмоқда ва қўлланилмоқда.

Янги ўқув йили бошланиши бизга ғоят умидбахш кайфият бағишлаган бўлса, Президентимизнинг юқорида тилга олинган селектор йиғилишида ихтисослашган ва ижод мактаби ўқувчиларини замонавий билим олиш ва касб танлашга йўналтириш бўйича муҳим вазифалар қўйгани барчамизни қувонтирди. "Мактаб маслаҳатчиси" тизими ҳам жорий қилинадиган бўлди. Халқаро тажрибага кўра, бу маслаҳатчилар хорижда таълим олган ва малака оширган, педагогика ва психологияни пухта биладиган мутахассислар орасидан танланади. Улар ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ўрганиб, билимларни ўзлаштиришига, касбга йўналишига, янги муҳитга мослашишига, ўз устида тинмай ишлаш кўникмасини ривожлантиришга кўмаклашади. Шундай экан, Президент мактаби болалари — бундан буён рағбатлар қуршовида ҳам ақлан, ҳам қалбан юксалади ва ҳақли равишда "Президент мактаби — илм конимиз, Янги Ўзбекистон билимдонимиз!" — дея баралла айта олади.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ИННОВАЦИЯ ВА ТРАНСФЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Жамолиддин БОБОХОНОВ,
Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи

Ахборот технологияларининг ҳаётимизга, хусусан, иқтисодиёт, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларига кенг жорий этилаётгани Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда юқорилашига хизмат қилмоқда.

Хусусан, Глобал инновациялар индексида 132 давлат ичида мамлакатимиз 2021 йилда 86-ўринни эгаллади. 2015 йилда 122-ўринда бўлганимизни инобатга олсак, мазкур кўрсаткич янги Ўзбекистондаги туб ўзгаришларнинг илк меваси, дейиш мумкин.

Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги "Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонида 13 та туманни инновацион ҳудудга айлантириш белгиланди. Унинг доирасида ушбу ҳудудлар иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига мос равишда янги инновацион ишланмаларни яратиш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Илмий ишланма қандай йўллар билан рақобатдош маҳсулотга айланади?

Илмий-техник маҳсулотлар бозорининг тез суръатларда ўсиши, рақобатнинг юқорилиги илмий ишланмаларни тижоратлаштириш йўлларини кенгайтиришни тақозо этади.

Тижоратлаштириш уч босқичдан иборат бўлиб, аввало, молиялаштириш учун манфаатли ишланмалар излаб топилади ва улардан энг истиқболлилари танлаб олинади. Танлаш жараёнида катта фойда келтирадиган ҳамда бозорнинг у ёки бу сегментида юқори талабга эга бўлган илмий ва инновацион ишланмаларга эътибор қаратилади. Шу босқичда хатар омиллари аниқланади, якуний маҳсулотнинг кучли жиҳатлари ва имкониятларига баҳо берилади.

Кейинги босқич инвестиция жалб этишдан иборат. Ҳозир Ўзбекистонда тижоратлаштириш жараёнининг оралиқ сармоядори сифатида асосан давлат грантларидан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, стратегик инвесторга маҳсулотни сотиш самарадорлигини ошириш мақсадида ишланмаларни такомиллаштиришга муайян маблағ йўналтирилади.

Учинчи босқичда стратегик инвестор томонидан маҳсулотнинг сериялаштирилиши ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. Айнан бунга тайёрлаш жараёнида харажатлар сметаси тузилади, молиявий ресурслар миқдори аниқланади, жараён иштирокчилари томонидан эса муаллифлик ҳуқуқи тақсимланади.

130 та лойиҳа жорий этиляпти

Кейинги пайтда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш ва тижоратлаштиришга тайёрлаш мақсадида қиймати 95,7 миллиард сўмга тенг 130 та лойиҳа давлат грантлари ҳисобидан молиялаштирилган. Уларнинг 36 тасига тармоқ ва хусусий сектор томонидан 34,5 миллиард сўм маблағ жалб қилиниши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳаларни молиялаштириш доирасида 37 та янги инновацион корхона ташкил қилиниб, жами 1862 янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Бу, ўз навбатида, илмий тадқиқотлар, инновацион ғояларни яратиш босқичидан ишлаб чиқаришга изчиллик билан ўтилаётганидан далолат беради.

Мазкур лойиҳалар кенг қамровли ва долзарб. Масалан, энергетика соҳасида қуёш энергияси асосида электромобилларни юқори тезликда зарядловчи қурилма, офтоб радиацияси, шамол тезлиги ва йўналиши, ҳаво ҳарорати, ёғингарчилик миқдорини ўлчаб бориш метеостанцияси ишлаб чиқарилади.

Инновацион ғоялардан бири — "Занжирли трейлерли универсал боғ тракторининг саноат-тажриба намунасини ясаш ва татбиқ қилиш" лойиҳаси. Ўзиюрар трейлерли занжирли трактор икки қисмдан иборат — мобиль шасси (трейлер) ва занжирли минитрактор. Трактор шасси устига чиқиб, бир бутун техникага айланади ва ўзи юриб, тегишли манзилга боради. Даладаги ишларни бажаргандан кейин яна трейлер шассисига чиқади ва навбатдаги белгиланган жойга келади. У тупроққа зиён етказмайдиган универсал транспорт бўлиб, айни кунда дастлабки саноат-тажриба намунаси яратилди.

Ўзини ўзи ташишга мўлжалланган бу трактордан фойдаланиш соҳани механизациялаш даражасини, иш унумдорлиги ва ҳосилдорликни кескин оширади, маҳсулот таннархини, тупроқ зичланишини камайтиради.

Ёғ-мой саноатида маҳаллий хомашёлар асосида ёғни тозалаш учун янги ва юқори самарали композитлар олиш, кимё саноатида линол кислотасини ишлаб чиқариш технологияси яратилди. Тошқазғон конидан электротехника, металлургия ва кимё саноатида фойдаланишга яроқли бўлган графит бойитмасини олиш лойиҳаси амалиётга татбиқ этилиш арафасида турибди.

Қурилиш соҳасида Ангрен ва Янги Ангрен иссиқлик электр станцияларининг техноген чиқиндиларидан том қопламаси, золошлакдан янги инновацион материал — золобетон блоклар ишлаб чиқариш технологияси жорий этилади. Нефть-газ саноати корхоналарининг олтингугурт чиқиндиси асосида модификацияланган олтингугуртли бетон маҳсулотлар тайёрланади.

Ҳозир тезюрар поездларга талаб тобора ортиб бормоқда. Олимларимиз бундай поездлар ҳаракатланадиган участкаларда улоқсиз йўлларни ётқизиш технологиясини яратган. Бу ишланма тижоратлаштиришга тайёрланмоқда. Йўл қурилиши соҳасида эса нефть-газ саноати чиқиндиси бўлган олтингугурт асосида йўл чизиқлари учун полисульфид полимер бўёқлар ишлаб чиқарилади.

Аввалари юртимизда ипак қурти бир йилда бир марта етиштирилган бўлса, ҳозир бу жараён йилига тўрт мартагача етказиляпти. Демак, тўқимачилик ва енгил саноат учун ипак қурти ғумбагини жонсизлантириш ва қуритишнинг янги технологияси ўта долзарб ҳисобланади. Бу борада табиий ипакдан янги турдаги тўқималар ва уларни ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган ресурстежамкор технологияси, оҳорловчи полимер композициялар яратилиб, тўқимачилик корхоналарида жорий этилади.

Инновацион ҳудудлардаги лойиҳалар

Инновацияларни олис ҳудудларга етказишда илк намуна ва тажриба сифатида Инновацион ривожланиш вазирлиги Наманган вилоятининг Чуст тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда тегишли тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Хусусан, 6 та янги ишланмани тижоратлаштириш учун жами 2,5 миллиард сўм ажратилди. Режадан ковул ўсимлигини маданий ҳолда дашт ерларда етиштириш ва маҳсулотни қайта ишлаш, гидробосимсиз ишлайдиган микроГЭСларнинг ишчи органларини тайёрлаш, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун кичик ўлчамли картошка ковлагич ҳамда кенг қамровли чизель культиваторлар, майда уруғли сабзавот экинлари экадиган машинанинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш, тола сифатини яхшилаш мақсадида пахта сепаратори конструкциясини такомиллаштириш каби лойиҳалар жой олган.

Бугунги кунда Чуст тажрибаси вилоятлардаги биттадан туманда татбиқ этилмоқда. Хусусан, Сирдарё туманида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда "Яксарт тулпори" наслли йилқичилик фермер хўжалиги ҳамкорлигида "Қорабайир от зотининг наслини яхшилаш, озиқлантириш, кўпайтириш ва от спорти ўйинларига тайёрлаш технологияси" лойиҳаси эътиборга молик. Тадқиқотлар натижасида йилқичиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун тавсиянома ишлаб чиқилди. Умумий қиймати 882 миллион сўмга тенг бўлган лойиҳанинг жорий этилиши эвазига аҳоли қўлидаги мавжуд отларнинг насли яхшиланади, маҳсулдорлиги ортади, чет элдан валютага олиб келинаётган наслли тулпорларни юртимизда кўпайтириш йўлга қўйилади.

Бухоро вилояти Ромитан инновацион ҳудудида ўз фаолиятини бошлаган "Turon Complect" МЧЖда умумий қиймати 1,8 миллиард сўмлик "Тескари осмос технологияси сув фильтрларини ишлаб чиқариш" лойиҳасининг қарийб тенг ярмини Инновацион ривожланиш вазирлиги молиялаштирмоқда. Унинг ишга тушиши натижасида замонавий энергиятежамкор иссиқхоналар учун мўлжалланган сув фильтрлари тизими ишлаб чиқарилади, у импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулот ҳисобланади.

Навоий вилоятининг Кармана тумани инновацион ҳудудида "Sensorika" МЧЖ томонидан "Ёшларни замонавий АКТ курсларига ўқитиш натижасида интернет тармоғида доимий даромад олишга йўналтириш" лойиҳаси татбиқ этиляпти. Унга мувофиқ, "Ёшлар дафтари"га киритилган, кам таъминланган 650 нафар йигит-қиз бепул ўқитилади ҳамда доимий даромад олишга йўналтирилади. Бугунги кунда 200 нафарга яқин ёш веб дастурлаш, график дизайн, копирайтерлик, интернет маркетинг — SMM йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда.

Бу ерда "Маҳаллий хомашё асосида суперпластификатор ишлаб чиқариш" лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Натижада маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи бетон қоришмалар учун суперпластификаторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Импорт қилинаётган муқобилига нисбатан 30-40 фоиз арзон нархда йилига 5,5 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот ички бозорга етказиб бериляпти.

Тайёр технологиялар трансфери

Олимларимиз томонидан яратилаётган илмий ишланмаларни тижоратлаштириш билан бир қаторда хориждан тайёр технологиялар трансферини амалга оширишга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Инновацион ривожланиш бўйича дунё пешқадамларидан бири бўлмиш Исроилнинг сунъий йўлдош орқали ерости қувурларидаги носозликларни аниқлаш ва ер қопламасига зарар келтирмаган ҳолда уни таъмирлаш технологияси ана шундай муҳим трансферлар сирасига киради.

Юртимизда аҳолига йилига 1,6 миллиард куб метр тоза ичимлик сув етказиб берилади. Аммо уни етказиб бериш жараёнида 469,8 миллион куб метри исроф бўлади. Жорий йилда сув қувурларидан ичимлик сув сизиб чиқишини сунъий йўлдош орқали аниқлаш технологияси коммунал соҳага трансфер қилиниши натижасида биргина Тошкент шаҳри, Ургут тумани ва Андижон шаҳрида 19 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилди.

Коронавирус пандемияси даврида айрим тиббий ускуна ва жиҳозларга талаб бир неча баробар ошди. Ана шундай ускуналардан бири ўпканинг сунъий вентиляцияси аппаратидир. Словакиянинг "Chirana" компанияси ва россиялик ҳамкорлар билан бу борада технологиялар трансфери амалга оширилди. Натижада импорт муқобилларига нисбатан арзон ва сифатли наркоз-нафас, ўпканинг сунъий нафас аппаратлари, тиббиёт консоллари ҳамда симуляторларни ишлаб чиқариш мажмуаси яратилиб, юртимиздаги барча тиббиёт муассасаларида сервис хизмат йўлга қўйилди.

Булардан ташқари, Ўзбекистонда илк маротаба импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган полиэфир шпатлёвка ва полиэфир елим (мармар, гранит ва бошқа тошлар учун махсус елим) ишлаб чиқариш бўйича Польшанинг "Novol asia" компаниясидан технологиялар трансфери муваффақиятли амалга оширилди.

Бу каби ишларнинг жадал суръатларда давом эттирилиши мамлакатимизнинг инновацион ривожланишини тезлаштириши билан аҳамиятлидир.

Бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БАҒРИКЕНГЛИК

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

барча миллат ва элатларнинг шаъни ва қадр-қимматини юксак қадрлайди

Фозил СУЛТОНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими

Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорлик кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир.

Бу ғоя ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. **Миллатлараро тотувлик ғояси сайёрамизда яшаётган 1600 дан зиёд этник гуруҳнинг тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик асосида тинч-тотув яшаш тамойилидир.**

Тарихий тараққиёт жараёнида жамиятнинг барқарор ривожланишида ҳамжиҳатлик масаласи ҳамиша бош омил вазифасини бажариб келган. Шарқ ва Ғарб дунёсида ҳамжиҳатлик масаласи ҳам салбий, ҳам ижобий муносабат шаклларининг қўлланишига қараб жамиятнинг таназзулга юз тутиши ёки юксалишида ўз ифодасини топган. Масалан, Европанинг баъзи давлатларида дин давлат сиёсатининг ажралмас қисми сифатида қарорлар қабул қилишда иштирок этади. Шу нуқтаи назардан, миллатлараро тотувлик ва диний конфессиялараро ҳамжиҳатлик муҳитини яхшилашга қаратилган, турли миллат ва эътиқод вакилларининг юртимизда истиқомат қилиши эътиборга олинган сиёсат Ўзбекистон сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Диний бағрикенглик, қардош халқлар ва элатлар маданиятига ҳурмат ва эҳтиром, меҳмондўстлик каби фазилатлар ўзбек халқининг қадимий қадриятларидир. Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагоглар мавжуд бўлгани, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” масаласи бешта устувор йўналишнинг бири этиб танлангани бежиз эмас.

Ўзбекистонда дастлабки миллий маданий марказлар 1989 йилда ташкил этилган. Бу марказларнинг чинакам ривожи ва равнақи юртимиз мустақилликка эришганидан кейин бошланди. Бугунги кунда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси мамлакатимизда фаолият юритаётган 150 та миллий маданий марказ, 38 та дўстлик жамияти ва хориждаги ватандошларнинг 40 га яқин жамияти билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимизда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, барча миллатлар ардоғидаги ижодкорлар билан учрашувлар, семинарлар ва конференциялар ўтказиб келинади.

2017 йилда Ўзбекистондаги корейс диаспораси шу заминда яшаётганининг 80 йиллигини нишонлади. Ўтган асрнинг 37-йилларида Узоқ Шарқдан 74 мингдан зиёд корейс Ўзбекистонга бадарға қилинган эди. Корейсларнинг мамлакатимизда муқим ўрнашиши ва томир отишида ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги муҳим роль ўйнади. Ўтган 80 йил мобайнида улар ўз миллий қадриятларини сақлаган ҳолда Ўзбекистон халқининг ажралмас қисмига айланди.

Ўзбекистонда Қозоқ миллий маданий маркази ташкил этилганига 30 йилдан ошди. Эътибор беринг, юртимизда 376 та қозоқ мактаби бор. Бир қатор олий ўқув юртларида қозоқ филологияси факультети фаолият кўрсатяпти. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида 89 кишига Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилган бўлса, шундан 14 таси бошқа миллат вакиллари, 3 нафари қозоқ миллатига мансуб.

Бу йил Рус миллий маданий марказининг 25 йиллигини нишонладик. Юртимизнинг барча ҳудудларида 200 дан зиёд тадбир ўтказилди. Айни пайтда Ўзбекистонда рус миллатига мансуб 800 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, мустақиллик йилларида фан-техника, тиббиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган 700 нафарга яқин ушбу миллат вакиллари бўлган юртдошимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қрим-татар миллий маданий маркази фаоли Фебзи Яқубов ёзган мана бу сатрлар ўзбек халқига берилган баҳоларнинг энг аълосидир, дейиш мумкин: **“Сингапур микротехнология, Германия саноат техникаси, Нидерландия қишлоқ хўжалигида энг илғор ўринда туради, десак, унда шак-шубҳасиз, Ўзбекистон бошқа миллат ва элатларнинг шаъни ва қадр-қимматини қадрлашда энг олий ўринда туради”.**

Албатта, бу эътирофлар замирида юртимизда миллатлараро муносабатлар соҳасида юритилаётган давлат сиёсатининг самараси ётибди. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан 30 июль **Халқлар дўстлиги куни** деб эълон қилиниши ва **“Халқлар дўстлиги”** кўкрак нишони таъсис этилиши юртимизда барча миллат вакиллари учун тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** шиори остида юртимизда бирдамлик, тотувлик ва иноқликни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Муайян мамлакатга ном берган (титул) миллат билан унда яшайдиган бошқа миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан биридир. Аксинча, бу ғоянинг аҳамиятини тушуниб етмаслик жамият ҳаётини, тинчлик ва барқарорликни издан чиқариши мумкин.

Ҳозирги таҳликали, турли минтақаларда миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтараётган мураккаб вазиятда юртимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни, толерантлик (бағрикенглик) муҳитини янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

Президентимизнинг 2021 йил 17 августда “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига берган жавобидаги қуйидаги сатрлар бизнинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги мақсадларимизни намоён этади:

“Ишончим комил, биз жонажон Ватанимизга бўлган чексиз меҳримиз ва садоқатимизни муқаддас байроқ қилиб, бор билим ва тажрибамиз, ақл-заковатимизни ишга солиб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган эзгу мақсадларимизга албатта етамиз.

Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади. Мен бунга нафақат ишонаман, балки шу йўлда бор билим ва тажрибамни, куч-ғайратимни сафарбар этишга ҳамиша тайёрман. Барча юртдошларимизни ана шундай улуғ сафда — янги Ўзбекистон бунёдкорлари қаторида бўлишга даъват этаман”.

Туркман миллий маданият марказидаги кўп йиллик фаолиятимдан келиб чиқиб айта оламанки, Ўзбекистон — барча миллат ва элатларнинг тили, дини, урф-одатлари, анъаналари чинакам қадрланадиган, келиб чиқишидан қатъи назар, инсон манфаатлари устуворлиги тўла таъминланадиган мамлакат.

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК

халқларимиз ўртасида қадрият сифатида эъзозланади

Гулдана АВЕЗДУРДИЕВА,
Республика Туркман маданият маркази раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳиби

Айниқса, ушбу қадриятларнинг Конституциямизда акс этиши, аввало, кўп миллатли халқимизнинг тинчлик-тотувликда ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатликда фаровон ҳаёт кечиришининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ҳамда унинг менталитети асосини ташкил этади”.

Қолаверса, Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, асрлар давомида бир дарёдан сув ичган ўзбек ва туркман халқларини умумий тарих боғлаб туради. 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаётган юртимизда бугун 200 мингдан ортиқ туркман истиқомат қилмоқда.

Миллатимиз вакилларининг эмин-эркин яшаши, анъана ва қадриятларини асраб, давом эттириши учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, бугунги кунда туркман тилида ўқитиладиган 45 та мактаб мавжуд бўлиб, Қорақалпоқ давлат университетида туркман тили ва адабиёти филологияси бўлими, Ажиниёз номидаги Нукус педагогика институтида бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлайдиган факультет фаолият кўрсатмоқда. Тўрткўл туманида эса йигирма йилдан буён “Мекан” газетаси мунтазам чоп этиб келинмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги ўзаро қўшничилик ва дўстлик алоқаларининг янада мустаҳкамланаётгани нафақат туркман миллати вакили, балки шу юрт фуқароси сифатида шахсан мени жуда қувонтирмоқда.

Мамнуният билан таъкидлашим керакки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида илк хорижий ташрифи 2017 йил 6-7 март кунлари Туркманистонга бўлган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Мазкур ташриф Ўзбекистон ташқи сиёсатида яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратилишининг ёрқин намуналари бўлди. Ўша музокараларнинг асосий натижаси ўлароқ, Ўзбекистон ва Туркманистон муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга — стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Туркманистонда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳайкали ўрнатилиши ҳамда кўчага унинг номи берилишини ушбу давлатнинг мамлакатимизга билдирилган юксак эҳтироми ифодасидир, десам айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бири буюк туркман шоири Махтумқули номи билан аталиши ва бобокалонимизга меъморий ёдгорлик ўрнатилиши ҳам ўзаро ҳурмат ва мустаҳкам қардошлик рамзидир.

Тошкент шаҳрининг қоқ марказида Ашхобод сайилгоҳи бунёд этилди. У ердаги туркман миллий анъана ва қадриятларини ифода этувчи турли композициялар ташриф буюрувчиларда ўзини гўё Туркманистонда юргандек таассурот қолдириши шубҳасиз. Қолаверса, Хоразмда Улли ҳовли тарихий мажмуасида ўзбек-туркман дўстлик уйи очилиши миллатларимиз маданий яқинлигининг ёрқин намунасидир.

Туркман миллий маданият марказимиз 2001 йил 7 май куни ташкил этилган. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлинмаларимиз фаолият юритиб келмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий маданият марказларига эътибор ва ғамхўрлик янада кучайди. Хусусан, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасига бино берилиб, бу ерда 30 дан ортиқ миллий маданий марказга алоҳида жой ажратилди. Шу жумладан, бизга ҳам. Бу эса юртимиздаги барча миллат вакилларининг янада жипслашувига муҳим туртки бўлди. Бир-биримизнинг тадбирларимизда қатнашяпмиз. Ўзаро тажриба алмашяпмиз.

Бундан ташқари, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиб келаётган миллий маданий марказларни 2021 йил бошидан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ажратилиб, марказ раиси ва раис ўринбосарларига маошлар тўланди.

Марказимиз мазкур фонд томонидан ажратилган 600 миллион сўмлик грант танлови ғолиби бўлди.

Давлат гранти асосида замонавий моддий-техник ускуналар ва турли миллий либослар харид қилинди ва мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида барча миллий маданий марказларга тантанали топширилди.

Бу каби рағбат ва эътибор фаолиятимизнинг янада жонланишига, миллий анъана ва қадриятларимизнинг бардавом бўлишига хизмат қилмоқда.

Марказ ва ҳудуддаги бўлинмалар юртимизда кенг нишонланадиган Наврўз, Мустақиллик, Конституция куни каби давлат байрамларида, дўстлик фестивалларида фаол қатнашиб келмоқда. Буюк туркман шоирлари Махтумқули ва Мулла Нафас каби алломалар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказиш анъанага айланган.

Ўзбекистон — умумий уйимиз. Шу юртда умргузаронлик қилаётган бошқа миллат ва элат вакиллари сингари туркманлар ҳам мамлакатимиз истиқболи йўлида ҳамжиҳатликда сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Мустақиллик йилларида туркман миллатига мансуб 200 дан ортиқ юртдошимизнинг дўстлик ва қардошлик ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси учун давлатимизнинг юксак мукофот ва орденлари билан тақдирлангани ҳам фикримнинг ёрқин далилидир.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 3890
76042 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асроров
Мусаҳҳиҳ: Асолат Шербекова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 00:25 Топширилди — 01:50

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz